

---

## Бағдодда 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди

Бағдод туманида оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ногиронлиги бор, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эзгу ишларнинг давоми сифатида, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг 50 нафарига Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий тикув машиналари топширилмоқда.

Мазкур тикув машиналари эҳтиёжманд хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишларига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида бепул тақдим этилмоқда.

“Қаҳат” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Авазбек Имомов томонидан “маҳаллабай” ўрганишлар давомида айна ҳудудда яшовчи Жумагул Эшонқулова “Аёллар дафтари”га киритилган.

Ўз хонадонида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун тикув машинаси олишда кўмак сўраган Жумагулнинг мурожаати ечими узоққа чўзилмади. Бугун унга ҳам замонавий тикув машинаси топширилди.

Шунингдек, “Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳтасархон Набиевага ҳам замонавий тикув машинаси топширилиб, иш фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш мақсадида фаол тадбиркорларга бириктирилди.

Туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов ўз тадбиркорлигини бошлаш арафасида турган аёлларга тикув машиналарини топширар экан, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган ислохотлар самараси ҳақида алоҳида тўхталди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-05-17 17:46:51